O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 7 сентябрь, № 178 (4331) Жума

# ИСТИҚЛОЛДАН НУРАФШОН ШАҲАР



**Марғилон — ноёб меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган кўҳна шаҳар сифатида бутунжаҳон маданий мероси осори-атиқалари рўйхатига киритилди.**





Нафис геометрик накшли занжир XIX асрга тегишли ёдгорлик — Марғилоннинг 2000 йиллиги олдидан реконструкция қилинган Саид Аҳмад Ҳожи мадрасаси деворларини безаб турибди. Бу мадраса Фарғона водийсидаги айвони ва даҳлизи пештоқи турли нақшинкор безакларга тўла ёдгорликлардан биридир. Қайрағоч устунларга санъаткорона жило бериб ишлангани, араб тилидаги ёзувларнинг борлиги эътиборни тортади: "Биз ҳаммамиз кетамиз, қилган эзгу ва яхши амалларимиз қолади". Бизларга васият каби қолдирилган ушбу сўзларнинг қадр-қиммати шукрларким, афсонавий шаҳарнинг бой тарихига оид осори-атиқалар каби мерос бўлиб қолди. Ахир Марғилон билан уч минг йил муқаддам тамал тоши қўйилган давлатчилигимизнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари чамбарчас боғлиқ.

Бугун мамлакатимиз тарихида ёрқин из қолдирган бу кўҳна ва гўзал шаҳар ўз тантаналарига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ўзининг мўътабар ва табаррук ёшини нишонлаган, меъморий мўъжиза шаҳарлар саналган Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши сингари Марғилон ҳам такрорланмас қиёфасини сақлаб қололди. Бундай қутлуғ санани нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 33-сессиясида қабул қилинган қарор халқаро жамоатчилик томонидан жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган шаҳарнинг тарихий аҳамиятини тасдиқлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрам муносабати билан Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик ва равнақ тилаб энг эзгу истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш учун янги-янги имкониятлар вужудга келишига ишонаман, шахсан Сизга омонлик тилаб қоламан.

**Жоржо НАПОЛИТАНО,**
**Италия Республикаси Президенти**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига бахт-саодат, равнақ ва муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришга қаратилган мулоқотимиз ва ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш ишига содиқлигимни билдирмоқчиман. Истагим шуки, ушбу муносабатлар Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги вазмин ва амалий мулоқотни ривожлантиришга кўмаклашаверсин.

Жаноб Президент, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

**Николя САРКОЗИ,**
**Франция Республикаси Президенти**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни билан Сиз, Жаноби Олийларини Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан қутлашга ҳамда шахсан Сизга омонлик, мамлакатингиз ва халқингизга бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Самимий ҳурмат-эҳтиром ва эзгу тилаклар ила,

**Шимон ПЕРЕС,**
**Исроил Давлати Президенти**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий ва қизғин қутловларимни қабул қилгайсиз.

Давлат мустақиллиги йиллари мобайнида Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда иқтисодиёт, ижтимоий таъминот ва маданият соҳаларида салмоқли муваффақиятларга эришди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатлари ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланди ва, ишончим комилки, халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида жадал ва самарали тарзда ривожланиб бораверади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга муваффақиятлар ва омонлик, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса тинчлик ва равнақ тилаб қоламан.

Энг эзгу истаклар ила,

**Қурмонбек БАКИЕВ,**
**Қирғизистон Республикаси Президенти**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу,

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклар ва эзгу тилаклар йўллашдан ғоят бахтиёрман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, дўст ўзбек халқига равнақ ва тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Биродарингиз,

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистоннинг миллий байрами муносабати билан Сурия халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловлар изҳор этиш менга улкан мамнуният бахш этади. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга эса бардавом тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Башар Ал-АСАД,**
**Сурия Араб Республикаси Президенти**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ғоят самимий қутловларим ва эзгу тилакларимни йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд биродарлик муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса барқарор тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Профессор, доктор Иажуддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти**

*Корея оммавий ахборот воситалари:*

# «ЎЗБЕКИСТОН — ДИҚҚАТГА САЗОВОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ 16 ЙИЛИ»

*Кореяда инглиз тилида нашр этиладиган **«The Korea Times»**, **«The Korea Herald» газеталари**да ҳамда **«The Korea Post» журнали**нинг август ойи сонида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган туркум мақолалар босилиб чиқди.*

Жумладан, «The Korea Post» журналида «Ўзбекистон демократлаштириш ва бозор ўзгаришлари жараёнларини давом эттирмоқда» сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширалаётган ислоҳотларнинг бориши хусусида ҳикоя қилинади. Журналда таъкидланганидек, Ўзбекистонда олий мақсад ва демократик ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи инсон ва унинг уйғун ривожланиши ҳамда гуллаб-яшнашидир.

«The Korea Post» юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, диний эътиқод эркинлиги ҳамда динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида ўқувчиларга батафсил маълумот беради.

Мақолада Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар, шунингдек, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг бориши хусусида атрофлича ҳикоя қилинади.

Булардан ташқари, мақолада Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлиги тараққиётининг асосий йўналишлари ҳар томонлама шарҳлаб берилган.

«Мамлакат мустақил тараққиётининг 16 йили давомида Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, гуманитар, илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик узлуксиз равишда ривожланиб келмоқда, деб ёзади нашр. Ўтган йиллар ичида мамлакат иқтисодиётига умумий қиймати 20 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган хорижий сармоя жалб этилди. Унинг 1,5 миллиард доллари Жанубий Корея капиталидир. Бу мамлакатларимиз ўртасида савдо айланмасининг барқарор ўсаётганининг муҳим омили ҳисобланади. Бинобарин, ўзаро савдо айланмаси 2006 йилда 10 фоизга ошиб, 630 миллион АҚШ долларини ташкил этди».

«Президент Ислом Каримов мамлакатни ислоҳотлар йўлидан ишонч билан бошлаб бормоқда». «The Korea Times» газетаси саҳифаларида эълон қилинган мақола ана шундай номланган бўлиб, у мамлакатимиз раҳбари фаолиятига бағишлангандир. Унда, жумладан, мустақил дунёвий тараққиёт йўлидаги Ўзбекистон давлатининг яратилишига Ислом Каримов тамал тошини қўйгани қайд этилади.

(Давоми 2-бетда).

***6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқишни давом эттирдилар.***

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган батафсил муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари У. Вафоевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва атрофлича муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А. Шодмонов «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Муҳокама чоғида депутатлар аҳолининг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидладилар. Депутатлар муҳокама жараёнида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Муҳокама вақтида депутатлар томонидан ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 19, 34 ва 71-моддаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Абдуллаева тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин бўлган муҳокамада депутатлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Умумхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Хэ Лули хоним раҳбарлигидаги делегация 6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.***

# ХИТОЙ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзаро муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мос тарзда жадал ривожланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Хитой парламент делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова билан ҳам музокара ўтказди.

**(ЎзА)**

# Қутлуғ йил тухфаси

Мустақиллигимизнинг 16 йили андижонлик санъат ихлосмандлари учун, айниқса, қутлуғ йил бўлди.

Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театри биноси бутунлай янгича қиёфа касб этган эди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Андижон шаҳрида янги санъат коллежи биноси қад ростлади. Янги ўқув йилида санъат ва маърифат кошонасига 200 нафар ўқувчи қабул қилинди. Улар эндиликда устоз санъаткорлардан турли йўналишлар бўйича сабоқ оладилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдагига нисбатан**

**3 баробар ортди.**

Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилгани, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилингани, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият юритишлари учун шарт-шароит яратилгани натижасида ана шундай ижобий ўсишга эришилди.



Жараён

**Истиқлолнинг 16 йиллик тантаналари мамлакатимизда зўр шодиёналар билан нишонланди. Ана шундай улуғ айём кунларида ортга бирров назар ташласангиз ҳурриятнинг ҳар бир йили яшариш, янгиланиш, улғайиш даври бўлганига яна бир карра амин бўласиз. Буни Навоий вилоятидаги гигант корхона — “Қизилқумцемент” ОАЖ фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**



# ҚИЗИЛҚУМ ЦЕМЕНТИНИНГ ШУҲРАТИ ОРТМОҚДА

**Бизнинг шарҳ:**

- “Қизилқумцемент” ОАЖда 2007 йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 441,8 минг тонна цемент ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 65 минг тоннага кўпдир. Клинкер ишлаб чиқариш эса 1 миллион 111,8 минг тоннага етди. Бошқача қилиб айтганда, шу даврда 102 миллиард 555 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 160 фоизни ташкил этди.
- Биринчи ярим йилликда 16 миллиард 139,7 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари сотилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1 миллиард 170,5 миллион сўм ортиқдир.
- Экспорт қилиш бўйича белгиланган режа 128,8 фоиз бажарилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 миллион 679,7 минг АҚШ долларига ортди. Маҳсулот асосан Тожикистон, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон ва Озарбойжон давлатларига сотилди.

— 2000 йилнинг 26 апрелида корхонага янги раҳбар тайинланди, — дейди бош механик ўринбосари, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Ўрал Маликов. — Ишчилар ундан кўп нарсани умид қиларди. Чунки ўшанда саккизта хом ашё тегирмонидан тўрттасигина ишлар, битта айланма печь тўхтаб қолганди. Унинг белбоғи ёрилганлиги туфайли маҳсулот ишлаб чиқариб бўлмасди. Совутгичларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар топилмас, уларнинг ишлаш коэффициенти 0,5 фоизга тушиб қолганди.

— Ҳозир-чи? — дея сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Биласизми, кейинги йиллар корхонада юксалиш даври бўлди. Аниқ иш режалари тузилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш устида мутахассислар кечаю кундуз иш олиб боришгани туфайли бугунги кунда корхона шуҳрати қайта тикланди. Йил сайин корхона қуввати ошиб, маҳсулоти бозоргир бўлиб бормоқда. Яқин кунларда эса Германиядан келтирилган цементни қадоқловчи линия ишга туширилади. Бу салкам бир миллион тонна қопланган цементни хориж давлатларига чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, заводда ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқаришга киришилди. Эҳтиёт қисмлар муаммоси йўқ. Навоий машинасозлик заводи билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани бу жараёнда қўл келяпти.

— Истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида 4-технологик линияни ҳам ишга туширишга тайёргарлик кўряпмиз, — дея суҳбатга қўшилади назорат бўйича етакчи мутахассис Ш. Рашидов. — Агар ҳозир йилига уч миллион тоннага яқин цемент ишлаб чиқарилаётган бўлса, бу линия қурилиб битказилгандан сўнг маҳсулот миқдори яна бир миллион тоннага кўпаяди.

Ютуқлар омили ҳақида гап кетганда, кадрларни ўқитиш жараёнидаги ажойиб бир анъанани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, корхона мутахассислари Хитой, Россия, Англия, Швеция, Германия, Малайзия каби хориж давлатларида бўлиб, тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Бу эса соҳа янгиликларини ҳаётга татбиқ этиш, пировардида иш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Цементнинг экспортбоплигини ошириш ва истеъмолчилар талабини тўла қондириш мақсадида 2005 йилда корхонада ISO-9001-2000 сифатли менежменти тизими жорий этилган эди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва табиатга зарарни камайтириш мақсадида эса эндиликда корхонада ISO-14001-2000 экологик сифат тизими устида иш олиб бориляпти.

Зиёда Муҳаммадиева чорак асрдан бери цемент ишлаб чиқариш цехида моторист бўлиб ишлайди. Унинг ҳалол меҳнати икки йил муқаддам давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди: “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.

— Корхонада иш тўғри ташкил этилганлиги туфайли маҳсулот сифати яхшиланиб, унинг миқдори кўпаймоқда, — дейди у. — Натижада ички ва ташқи бозорда цементнинг харидоргирлиги таъминланмоқда. Агар 2000 йилда 1287 минг тонна цемент ишлаб чиқарилган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 2687 минг 777 тоннани ташкил этди. Бу йил эса 2750 тонна сифатли маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган.

Корхонада шўрхок ерлар учун сульфидга бардошли цемент ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган бўлиб, 2006 йилда 150 минг тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди. 2003 йилда эса жамоа аҳли яна бир хайрли ишга қўл урди. Яъни, нефть ва газ қувурлари учун зарур бўлган томпанаж цементи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Изланиш ва интилиш асосидаги меҳнат, албатта, ўз самарасини беради. Чунончи, 2001 йили Испаниянинг Мадрид шаҳрида, 2002 йили Лондонда, 2003 йили Хитойда корхона маҳсулотининг сифати юқори баҳоланиб, халқаро ташкилотларнинг сертификати ва Олтин кубоги билан тақдирланди.

— Бу ютуқлар ўз-ўзидан келгани йўқ, — дейди З. Муҳаммадиева. — Уларнинг замирида ҳукуматимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор мужассам. Қолаверса, ишчилар учун етарли шарт-шароит яратилгани ҳам муваффақиятлар омили бўлмоқда. Бунда бош директор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ражаб Жуманиёзовнинг хизматлари беқиёсдир.

“Қизилқумцемент”да ҳаёт бир маромда давом этади. Чиройли йўлаклар, бир-бирини такрорламайдиган фавворалар, дарахтзор ва боғлар, дам олиш хоналарию емакхоналар — барчаси жаҳон андозалари талаблари даражасида бунёд этилганига қойил қоласиз.

— Табиий ресурслардан унумли фойдаланиб, атмосферага чиқадиган чанг ва чиқинди газларни камайтириш мақсадида бош директор Ражаб Жуманиёзов ташаббуси билан етук мутахассислардан иборат 9 кишилик махсус гуруҳ тузилган. Бу гуруҳ аъзолари экологик муаммоларни ечиш учун махсус дастур ишлаб чиқиб, шу асосда иш юритмоқдалар, — дейди аспирация цехи бошлиғи, технолог Олим Ражабов. — Жумладан, карьердан тоғ жинси узатиладиган тасмали конвейерларга юқори босимли сув насослари ўрнатилиб, пуркагичлар ёрдамида чанг миқдори камайтирилди. Бунинг учун чет элдан керакли ускуна ва эҳтиёт қисмлар келтирилиб, мавжуд чанг ушлагич ускуналари капитал таъмирланди. Гуруҳ аъзолари эса тажриба алмашиш учун Хитой ва Германия мамлакатларида бўлиб қайтишди. Натижада янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришга татбиқ этилди.

Суҳбатдошимизнинг айтишича, атмосферага чиқадиган чанг миқдори 2004 йилга келиб, ҳар бир айланма печь бўйича белгиланган меъёрдан 3,14 мартага камайган. Корхонадаги ҳар бир ишлаб чиқариш цехида (улар 38 та) иқлимни мўътадиллаштириш учун фаввоpалар ўрнатилган. Уларнинг атрофида гулзорлар яшнаб турибди.

Корхонада экологик муаммоларнинг ҳал этилиши нафақат ишчи-хизматчилар, балки теварак-атрофдаги корхоналар ҳамда Навоий шаҳри аҳолисининг соғлиғини сақлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. 2004 йили Тошкентда бўлиб ўтган дунё цемент ишлаб чиқарувчиларининг III халқаро конференцияси қатнашчилари “Қизилқумцемент” корхонасида бўлиб, бу ерда тайёрланаётган цемент сифатига юқори баҳо беришди. Хусусан, корхона фаолияти билан танишиб чиққан германиялик ишбилармон Френк ўз таассуротларини шундай ифодалади: “Бу гўша цемент заводига ўхшамайди. Қуруқ усулда ишлайдиган корхона ускуналари тоза ва покиза, цехларнинг атрофлари эса гулзор ва боғ. Шу боис бу жой гўзал шаҳарлардаги истироҳат боғини эслатади. Завод билан ҳамкорлик қилсак, ютамиз. Чунки бу ерда ўрганадиган ибратли ишлар жуда кўп экан”.

Мақолага ушбу эътироф билан нуқта қўйишни жоиз топдик.



**Бизнинг шарҳ:**

- 2005 йилнинг 1-чорагидан бошлаб “Дамхўжа” ичимлик суви узатиш тармоғи ишлаб турибди. Мустақил сув таъминотини яхшилаш мақсадида 2006 йилда Зарафшон дарёсидан корхонагача техник сув узатиш тизими ва насос станцияси қурилиб, ишга туширилди.
- 2006 йил якуни бўйича бир тонна цемент ишлаб чиқаришга 147,7 квт/соат электр энергияси сарфланиб, 1,6 квт/соат иқтисод қилишга эришилди. 1 тонна клинкер ишлаб чиқаришга 147,1 кг. шартли ёқилғи сарфланиб, 2 кг. шартли ёқилғи иқтисод қилинди.

**Бизнинг шарҳ:**

- Ходимлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 2006 йилда корхона маблағи ҳисобидан 40831,4 минг сўм сарфланди.
- Республикадаги нуфузли клиникалар, тиббиёт масканлари билан тузилган шартномага асосан эса, 181 нафар ишчининг даволаниши ва тиббий кўрикдан ўтиши учун 163464,6 минг сўм маблағ ажратилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Таклиф рад этилди

***Европа Иттифоқи Косовони серблар ва албанлар яшайдиган ҳудудларга бўлиш ғоясини инкор этди.***

ЕИнинг кенгайиш масалалари бўйича вакили Олли Рен Сербия расмийлари билан ўтказган музокаралардан сўнг бу ҳақда баёнот берди. Эслатиб ўтамиз, Косовони иккига бўлиш таклифи Нидерландия томонидан илгари сурилганди.

Бундан олдинроқ Косово ҳукумати бир томонлама тартибда мустақиллик эълон қилишини билдиргач, бунга жавобан Сербия жиддий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирди.

### Ракета қулаб тушди



***Бойқўнғир космодромида Япониянинг «JCSAT-11» номли сунъий йўлдошини фазога олиб чиқаётган «Протон-М» ракетаси қулаб тушди.***

Натижада портлаш рўй берди ва кучли ёнғин пайдо бўлди.

Мазкур авариядан сўнг расмий Остона «Протон-М» ракетасининг учирилишини тақиқлаб қўйди. Айни пайтда воқеа тафсилотлари чуқур ўрганилмоқда. Дастлабки маълумотларга кўра, ракета қулаб тушишидан ҳеч ким жабр кўрмаган. Сабаби, Бойқўнғир космодроми атрофида аҳоли яшамайди.

### Хавотирга солмоқда

***АҚШ Президенти Жорж Буш Хитой ҳукуматига мурожаат қилиб, икки томонлама савдо балансини мувофиқлаштириш ва ўзининг катта профицит ҳажмини қисқартиришга чақирди.***

Шу йилнинг июнь ойидаги маълумотга кўра, Хитой АҚШ билан ўзаро савдодаги сальдо ҳажми 21,6 миллиард долларга етди. Бу эса рекорд кўрсаткичдир. Савдо ҳажмидаги номутаносибликнинг бу даражада тез суръатлар билан ўсиб бориши расмий Вашингтонни хавотирга солмоқда.

### «Феликс» келтирган офат

***Атлантика океанида пайдо бўлиб Никарагуа қирғоқларига урилган «Феликс» довули 38 кишининг ўлимига сабабчи бўлди.***



Бундан ташқари, 200 киши дом-дараксиз. Никарагуа ҳукумати бу ҳақдаги маълумотни расман эълон қилди. Табиий офат туфайли 40 минг одам жабр кўрди. 9 мингга яқин уй вайронага айланди. Айни пайтда шамолнинг тезлиги соатига 26 километрни ташкил қилмоқда.

Мамлакат президенти Даниэль Ортега табиий офат оқибатларини бартараф этишда халқаро ҳамжамиятдан кўмак сўради.

### Жангарилар билан тўқнашув

***Афғонистон жанубида Ғарб қўшинлари коалицияси ва мамлакат ҳарбийлари Толибон жангарилари билан тўқнашишди.***

Натижада 40 нафарга яқин жангари йўқ қилинди. Манбада айтилишича, ҳарбийлар Қандаҳор музофотида хавфсизликни назорат қилиб юрган пайтда уларга 150 нафар жангари кутилмаганда ҳужум қилган. Толибонлар ҳужумини бартараф этишда авиациядан кенг фойдаланилган. Тўқнашув чоғида тинч аҳоли вакиллари ва ҳарбийлар ҳалок бўлганлиги ҳақида бирор бир маълумот берилгани йўқ.

### Икки йиллик шартнома

***Расмий Теҳрон ва Минск Эроннинг жанубий ҳудудида жойлашган «Жуфейр» нефть конини ҳамкорликда ўзлаштириш юзасидан ўзаро шартнома имзолади. Мазкур келишув икки йил муддатга амал қилиниб, унинг ҳажми 450 миллион доллар атрофида баҳоланаяпти.***

***Беларусь ва Эрон нефтни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилмоқда.***

### Акциядорлар тасдиқлашди

«Аэрофлот» акциядорлари 44 та «Airbus A-350» ва «Boeing-787 Dreamliner» самолётларини харид қилиш режасини тасдиқлашди. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар тарқатди. Компания бош директори Валерия Окулов ушбу самолётларни сотиб олишда камида 30 фоизлик чегирмага эришганлигини билдирди. Икки компания билан имзоланган шартномаларнинг ҳар бири қарийб уч миллиард долларни ташкил этади.

### Хатолик туфайли



***Американинг «В-52» ҳарбий қирувчи самолёти хатолик туфайли бутун мамлакатни кесиб ўтди.***

Манбада айтилишича, самолёт қанотларига ядро каллаклари ўрнатилганди. Бу ҳақда «Military Times» газетасига исмини ошкор қилмаган АҚШ Қуролли кучлари зобити маълум қилди.

Лайнер Луизианага қўнганидан сўнггина унда хавфли қурол борлиги аниқланди. Самолёт мамлакат осмонида уч ярим соат давомида парвоз қилди. Айни пайтда ушбу хатолик кимнинг айби билан содир этилганлиги юзасидан текширувлар олиб борилаяпти. Бундан ташқари, АҚШ Конгресси Пентагондан ушбу воқеа юзасидан тушунтириш берилишини талаб қилмоқда.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

**Ҳурматли ишбилармон, тадбиркор хонимлар ва жаноблар!**

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
**«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»**
**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2007 йил 25 сентябрь куни Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар қайта қўйилмоқда:

Судлар департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 10 июлдаги 15-06-03/5987-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Қува шаҳри, А.Яссавий кўчаси, 27-уйда жойлашган, «SWEETS INTERNATIONAL» қўшма корхонасига қарашли маъмурий бино ва ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи бинолар.

*Бошланғич баҳоси — 1 098 044 000 сўм.*

25 сентябрдаги савдода сотилмай қолган мулклар 2007 йил 29 сентябрь ва 2 октябрь кунлари қайтадан савдога қўйилиши мумкин.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази». Телефонлар: 226-95-98, 226-45-48.**

**Лицензия ДВ 001 № 000010.**



***Халқимизда «Эрталаб ишга шошилаётган ва ишдан сўнг уйига ошиқадиган ходимдан бахтиёр инсон йўқ", деган гап бор. Бу, табиийки, жамиятимизнинг энг кичик бўлаги – оилага ва унинг тинч-хотиржамлигига боғлиқ ҳаётий бир ҳикматдир. Зотан, ҳамжиҳатлик, оқиллик, тўла-тўкисчилик ҳар доим оилани мустаҳкамлайдиган омиллардан ҳисобланади. Шу туфайли мамлакатимизда оилани асраш, уни қўллаб-қувватлашга бирламчи иш сифатида қаралмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ана шу ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжат ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириши, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга зарур ёрдам кўрсатиши, барқарор даромад манбаларини шакллантириш ҳамда ёшларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга пухта замин яратиши, шубҳасиз.***

# ЁШ ОИЛАЛАРГА — ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

## *берилаётганлиги уларнинг рўзғорига файзу барака киритмоқда*

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан, шунингдек, ёш оилаларга имтиёзли кредит ажратишнинг соддалаштирилган тартибини белгилаб берувчи «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низом» ишлаб чиқилди ва у Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Президент қарори ва унинг низом талабларидан келиб чиқадиган вазифалар — ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар, ипотека, истеъмол кредити бериш, шу билан бирга, имтиёзли пластик карточкаларни оммага кенг тарғиб қилиш, касаначиликни қўллаб-қувватлаш каби ишлар АТ «Пахтабанк»нинг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан ҳам аллақачон бошлаб юборилган.

Бошқарма тизимидаги 19 та шаҳар ва туман банк бўлимларида ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилиб, яратилган имтиёзлардан кенг фойдаланишлари учун уларга барча имкониятлар яратилмоқда.

Энг аввало, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёш оилаларга кредит ажратиш бўйича шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари томонидан тасдиқланган, хотин-қизлар қўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жамғармаси ва тижорат банклари билан келишилган рўйхатларга асосан кредитлар ажратиб борилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, бошқарма бўйича 49 та ёш оилага 116,1 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Кредитлар ёшларнинг оилавий тадбиркорликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг шу соҳадаги фаолиятини йўлга қўйиш мақсадларига йўналтирилди. Шуниси аҳамиятлики, ажратилган кредитлар имтиёзли шартларда марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан паст миқдордаги фоизларда берилмоқда.

Бундан ташқари, Қарор ижросини таъминлаш мақсадида 603 та ёш оилага кўп йиллик уй-рўзғор буюмлари, яъни мебель, телевизор, музлатгич ва бошқа маиший техникалар сотиб олиш учун 352 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ҳам ажратилди. Кўпчиликка маълумки, «Пахтабанк» тизимида кредит олиш учун ёш оилаларга олинадиган маҳсулотнинг 20 фоизи миқдорида олдиндан тўланадиган омонат маблағи қўйиш бўйича имтиёзлар берилган. Бугун, таъбир жоиз бўлса, ушбу имтиёзларга яна янги имтиёзлар қўшилди, десак янглишмаймиз. Эндиликда ёш оила вакиллари омонат маблағи қўймасдан ҳам кундалик уй-рўзғор буюмлари харид қилишлари мумкин.



Жорий йил якунига қадар бошқармамиз шаҳар ва туман банк бўлимлари бўйича ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 927,5 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилади. Уларнинг 445 млн. сўми микрокредитларга, 432,5 млн. сўми истеъмол ва 50 млн. сўми ипотека кредитларига йўналтирилиши кўзда тутилган.

Вилоят аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, яъни "ROISON" ва "ZENIT" корхоналари расмий дилерлари билан ҳам самарали ҳамкорлик ўрнатилган. 2007 йилнинг 7 ойи давомида 1895 нафар фуқарога жами 1157,1 млн. сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди: 151,1 млн. сўмлик мебель жиҳозлари, 968,9 млн. сўмлик маиший техникалар ва тураржой таъмири билан боғлиқ бўлган товарлар сотиб олиш учун 9,2 млн. сўмлик истеъмол кредитлари берилди. Шунингдек, шу давр мобайнида кичик бизнес субъектларига барча манбалар ҳисобидан 2580,5 млн. сўм кредит ажратилди. Уларнинг 337,9 млн. сўми саноат соҳасига, 1444,5 млн. сўми қишлоқ хўжалиги, 251,8 млн. сўми савдо ва воситачилик, 487,2 млн. сўми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишга, 59,1 млн. сўми бошқа соҳаларга йўналтирилди. Ажратилган жами кредитлар ичида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган маблағлар 1123,2 млн. сўмни ташкил этди.



Турмушдаги ҳар бир ҳолат бир-бирини тўлдириб боради. Оилани қўллаб-қувватлаш жойларда шахсий, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини жонлантириш билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар-ни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича қилинган ишлар ҳам ушбу тадбирлар сирасига киради. Мисол учун, 2006 йилда чорвачиликни ривожлантириш учун бошқарманинг ўз маблағлари ҳисобидан кам таъминланган 379 та оилага имтиёзли фоизларда 268,2 млн. сўм миқдорида, шунингдек, кам таъминланган 797 та оилага бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан 458,5 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жорий йилда эса банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кам таъминланган 331 та оилага 295,8 млн. сўмлик, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан кам таъминланган 316 та оилага 240,9 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу кредитлар уларнинг хоҳишига кўра, нақд пулда ва пул ўтказиш йўли билан ажратилди.

Бугунги кунда бошқарма томонидан жами 25321 нафар мижозга хизмат кўрсатилмоқда. Мижозлар сони банкнинг уларга кредитлар, хусусан, истеъмол кредитларини ажратиш, юқори фоизли омонат турларини таклиф этиш, коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилишдан, яъни марказдан узоқроқ ҳудудларда жойлашган аҳолининг коммунал хизматлар учун тўловларини олиш учун мини банклар, махсус ва сайёр кассалар ташкил этиш, қолаверса, мижозларга хизмат кўрсатиш савиясини яхшилаш ҳисобига ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирда бошқарма тизимида 19 та филиал, 102 та мини банк, 10 та махсус касса ва 20 та валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд.

Вилоят бўйича, 2007 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, жами кредит қўйилмалари 80,2 млрд. сўмга етди. Яъни, қишлоқ хўжалигига 46,6 млрд. сўм, таъминот корхоналарига 5,9 млрд. сўм, савдо ва хизмат кўрсатишга 3,2 млрд. сўм, саноат ва ишлаб чиқаришга 15,3 млрд. сўм, қурилишга 2,3 млрд. сўм ва бошқа соҳаларга 6,9 млрд. сўмлик кредитлар берилди.

Техника – деҳқон қаноти. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда унинг улуши беқиёс. Шу боис, бошқарма фермер хўжаликлари учун банк хизмати турларини кўпайтирмоқда. Фермерларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида жорий йилнинг 7 ойи мобайнида 1909 млн. сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари олинди. Жумладан, Олтиариқ филиали мижози бўлган «Тўхтасин Пармонов» фермер хўжалигига «Клаас» русумли дон ўриш комбайни, Янгиқўрғон филиали мижози бўлган «Қаҳрамонжон Шералиев» фермер хўжалигига «ВТ-150» ҳайдов трактори, Бешариқ филиали мижози бўлган «Саховат» фермер хўжалигига «ТТЗ-80,11» русумли трактор сотиб олиш учун кредитлар ажратилган.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Лекин барча нарса пировард натижа билан белгиланади. Пировард натижа эса мижозларнинг банкка бўлган ишончи, банкни ўзларига суянч ва таянч деб билишидадир. «Пахтабанк»нинг Фарғона вилояти бошқармаси ва филиалларида яратилган шарт-шароитнинг яхшиланиб бораётганлиги, одамларга кўрсатилаётган хизмат турлари кўпайиб, сифати ошаётганлиги, банк билан ҳамкорлик қилувчи корхона ва ташкилотларнинг сони кўпаяётганлиги – бу аҳил жамоа учун энг қувончли пировард натижадир. Буларнинг барчаси имтиёзли омонат турлари кўпайиб бораётганлигидан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими кенгаяётганлигидан, энг муҳими, мижоз ва банк ўртасидаги ишонч мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради. Аслида айнан шу ишонч ва имкониятни бизга Мустақиллик инъом этди. Истиқлол абадий экан, бу ишонч ҳеч қачон йўқолмайди! Зотан, бусиз тараққиёт бўлмайди!

**А. ШЕРОВ.**

---

**Қарор ва ижро**



***Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган изчил ислоҳотлар жараёнида жамиятнинг қуйи бўғини бўлган оиланинг ҳуқуқий асослари ҳам тобора мустаҳкамланмоқда.***

## КЕЛИН-КУЁВ СОҒЛОМ БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

— Янги оила мустаҳкам шаклланиши учун, аввало, келин-куёв соғлом бўлиши зарур, — деди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор Ёқубова. — Бу эса соғлом авлод дунёга келишининг муҳим шартларидандир.

ФХДЁ ходимлари бундай хайрли ишларнинг аҳамиятини ёшлар онгига сингдириш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Тизимдаги мавжуд икки юздан зиёд идора ва никоҳ уйларидаги «Оила мактаби» ўқув дастурлари шу мақсадга хизмат қилаётир.

Қарор қабул қилинганидан буён мамлакатимизда тўрт юз мингдан зиёд никоҳ қайд этилиб, турмуш қурганларнинг деярли барчаси тиббий кўрикдан ўтди. Тақдир тақозоси билан ёши ўтиб оила қураётганлар ҳам учраб туради. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 апрелда қабул қилинган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори асосида бундай фуқароларга нисбатан мажбурийлик меъёри бекор қилинди. Бошқача айтганда, эндиликда ёши элликдан ошган шахсларнинг никоҳини рўйхатга олишда улардан тиббий кўрик ҳақида маълумотнома талаб қилинмайди. Ушбу шахслар тиббий кўрикдан фақат ўзларининг розилигига кўра ўтказилади.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**


From the People of Japan

*Обучение в магистратуре в Японии!*
*Японияда магистратурада ўқиш!*
*"Let's study in Japan!"*



**JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) (2008-2009)**

**Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan in the Japanese fiscal year of 1999-2000.**

**The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.**

**The JDS targets those who are expected to play leadership role in socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.**

**Under this Project, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for the year 2008-2009.**

**1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY**

(1) **Degree**: Master's degree (1-2.5 year courses)
(2) **Fields of study, Common Agenda* and Accepting universities**:
- Law: *Developing Legal Infrastructure for Attractive Market and Active Industries*
  Nagoya University
- Public Administration: *Building Institutional Capacity for Good Governance*
  Meiji University, University of Tsukuba
- Economics: *Ensuring Balanced and Stable Fiscal Management*
  International University of Japan, Hitotsubashi University
- Business Administration: *Providing Sound and Fair Business Environment*
  Waseda University
- Agriculture: *Advancing Effective Agricultural Structure*
  Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology: *ICT Policy to Create Wider and Advanced Usage*
  Ritsumeikan University
- Education Administration : *Delivering Better Educational Service*
  Hiroshima University
- Engineering : *Improvement of Industrial Structures and Its Management*
  Toyohashi University of Technology

* Common Agenda should be considered when writing your Research Proposal

(3) **Language of Instruction**: English

**2. QUALIFICATION OF APPLICANTS**

(1) **Nationality**: Citizen of Uzbekistan
(2) **Age**: (as of April 1st , 2008)
- Between 22 and 34 years old (inclusive).
- For the study fields of "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (inclusive).

(3) **Work experience** recorded in Workbook: (as of August 17th, 2007)
- More than 2 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.
- For the study field of Business Administration, more than 3 years' work experience on full-time basis after getting a Bachelor's degree.

(4) **Academic background**: Bachelor's degree.
(Please also refer to the University information for necessary information for application.)
(5) **English proficiency level**: Minimum requirement must be either of the following:
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 550 / TOEFL CBT (Computer-based) score 213 / TOEFL iBT (Internet-based) score 79

Those who submit the valid official certificate of the score higher than either of above, which was issued after April 1, 2006, will be exempted from English language exam during the selection stage.
(6) **Ineligibility**:
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others**:
- Must be in good mental and physical health. Applicant will undergo medical check-up in Tashkent during selection.
**State Property Committee Bldg., 17th Floor**
**Uzbekistan Ave., 55, 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov, Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**Email: ccpbuz@tps.uz**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидагилар бўйича очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади:**

**«NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» ОАЖнинг 22,9 фоиз акциялар пакети**

«NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларининг 22,9 фоизини ташкил этувчи 6 630 (олти минг олти юз ўттиз) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси **1 981 700** (бир миллион тўққиз юз саксон бир минг етти юз) АҚШ долларини ҳамда корхонанинг инвестицион эҳтиёжлари **400 000** (тўрт юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Мазкур жамиятнинг акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устуниликка эга бўлади.

«NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» ОАЖ Қашқадарё вилояти Косон шаҳрида жойлашган. Корхона 1965 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури нефть ва газ қудуқларини синашдир.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза, махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг нархи 500 (беш юз) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001
  «Ипак йўли» АИКБ, ИНН 201122696, банк коди 00444,
  S.W.I.F.T. коди — INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 4 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2007 йил 4 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси,**
**100003, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Хан Виктория Эликсовна эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-80. Факс: +998 (71) 139-20-72.**
**Эл. почта: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru**

1329-1R/1601

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE PROPERTY TO FOREIGN INVESTORS

**Hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-672 as of July 20, 2007**

**The Open Tender for privatization sale of 22,9% shares of JSC «NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH»**

6 630 (six thousand six hundred thirty) ordinary registered shares of JSC «NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» constituting the aggregate of 22.9% of the enterprise's total issued shares are offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is **USD 1 981 700** (one million nine hundred eighty one thousand seven hundred). The investment requirements of the enterprise constitute **USD 400 000** (four hundred thousand).

At that, the preference will be given tothe tender participant ready to offer the highest bid for 22.9% share package of JSC «NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» and undertake the highest volume of investment obligations in the framework of enterprise's investment requirements.

JSC «NEFT VA GAZ QUDUQLARINI SINASH» is located in Koson city of Kashkadaryoregion and was established in 1965. The main activity of the enterprise is testing oil and gas wells.

Investors interested in participating in the Tender must submit a properly completed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact address shown below.

The package of Bidding Documentation, which includes Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon presenting tothe State Property Committee filled in and signed Application for participation on and Confidentiality Statement along with a copy of the proof of payment made.

The price of the package of Bidding Documentation constitutes USD 500 (five hundred), which need to be transferred to either of the following accounts:

USD Account: 20203840500600289001
UZS Account: 20203000600600289001
in the JICB "Ipak yoli"
TIN 201122696, bank code 00444
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. (Tashkent time) on October 4, 2007.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. (Tashkent time) on October 4, 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, who would submit Tender Bids in accordance with the established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**State Property Committee**
**55, Uzbekistanskaya str., 100003 Tashkent, Uzbekistan**
**Attention: Khan Victoria**
**Telephone: +998 (71) 139 22 80**
**Fax: +998 (71) 139 22 50**
**Email: ves@spc.gov.uz, gki-gu@rambler.ru**

1329-2R/1601

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ**

**«МАНЗАРАЛИ БОҒДОРЧИЛИК ВА ГУЛЧИЛИК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 98,58 ФОИЗ УЛУШИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР**

**ўтказилишини эълон қилади.**

«Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларининг 98,58 фоизини ташкил этувчи 85 211 (саксон беш минг икки юз ўн бир) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Улушнинг бошланғич баҳоси — **5 452 000** (беш миллион тўрт юз эллик икки минг) АҚШ доллари ҳамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар — **1 324 000** (бир миллион уч юз йигирма тўрт минг) АҚШ долларини ташкил этади. «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» ОАЖнинг 98,58 фоиз улушига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устуниликка эга бўлади.

«Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» очиқ акциядорлик жамияти мустақил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилот бўлиб, асосий фаолияти — манзарали, игна баргли ва мевали дарахтлар, тувакли хонаки гуллар, сабзавотлар ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан иборат. Ташкилот 1962 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг тизимига 9 бўлим киради.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун қуйида келтирилган ҳисоб рақамига 2 000 (икки минг) АҚШ доллари ўтказилиши лозим:

- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,
  ОПЕРУ АИКБ «Ипак йўли»,
  ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. код — INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2007 йил 4 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2007 йил 4 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:**
**Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,**
**Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.**
**Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-51. Факс: +998 (71) 139-22-79. Эл. почта: ccpbuz@tps.uz**

1330-1R/1601

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces**

**the Open Tender for Privatization Sale of the 98.58% Share Package of Joint Stock Company "MANZARALI BOG'DORCHILIK VA GULCHILIK"**

85 211 (eighty five thousand two hundred eleven) ordinary registered shares of Joint Stock Company "MANZARALI BOG'DORCHILIK VA GULCHILIK" constituting the aggregate of 98.58% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is **USD 5 452 000** (five million four hundred fifty two thousand). Investment obligations that investor has to undertake constitute the sum of not less than **USD 1 324 000** (one million tree hundred twenty.four thousand). At that, the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for the 98.58% of shares of the Company and undertake the highest amount of investment obligations.

JSC "MANZARALI BOG'DORCHILIK VA GULCHILIK" is independent agriculture manufacturing firm, which principal activityis growing of decorative, conifers and fruit-trees, floral, greenhouse-pot, vegetables and other agricultural products. Enterprise was created in 1962. The enterprise has 9 branches, which are located in 5 districts of Tashkent city and in 2 districts of Tashkent region.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The price of the package of bidding documents constitutes USD 2 000 (two thousand), which are to be transferred toeither of the following accounts:

USD Account № 20203840500600289001
UZS Account № 20203000600600289001
in the JSC ICB of "Ipak yoli", TIN 201122696,
bank code 00444, Farhod str., 12-A, Tashkent, 100135
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on 4th of October 2007.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on 4th of October 2007.**

Tender participants or their authorized representatives, who would submit Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**The Working Body of the State Property Committee:**
**Case-by-Case Privatization Bureau (CCPB)State Property Committee Bldg.,**
**17th Floor Uzbekistanskaya str. 55, 100003, Tashkent, UzbekistanAttention:**
**Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General**
**Telephone: +998 (71) 139 22 51**
**Fax: +998 (71) 139 22 79**
**Email: ccpbuz@tps.uz**

1330-2R/1601

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**юридик бўлими бошлиғи ва ушбу бўлимдаги бош ҳуқуқшунос лавозимларига юқори малакали ҳуқуқшунос ходимлар ўртасида**

***танлов эълон қилади.***

**Танлов талаблари:**

- *олий ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлиши;*
- *ҳуқуқшунослик соҳасида ўн йилдан кам бўлмаган иш стажига эгалик;*
- *талабгорнинг ёши 45 дан ошмаган бўлиши;*
- *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.*

**Танловда иштирок этиш истагини билдирганлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни (резюме) 144-98-56 факси орқали жўнатишлари мумкин. Маълумот учун телефонлар: 144-97-74, 144-97-72.**

1333R/1606

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**ахборот хизмати бошлиғи лавозимига юқори малакали журналист ходимлар ўртасида**

***танлов эълон қилади.***

**Танлов талаблари:**

- *иқтисодий билимга эга бўлиши;*
- *журналистика соҳасида етти йилдан кам бўлмаган иш стажига эгалик;*
- *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши;*
- *талабгорнинг ёши 45 дан ошмаган бўлиши керак.*

**Танловда иштирок этиш истагини билдирганлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни (резюме) 144-98-56 факси орқали жўнатишлари мумкин. Маълумот учун телефонлар: 144-97-74, 144-98-27, 144-98-83.**

1332R/1606

NURON

Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Тел.: 194-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz

Маҳсулот сертификатланган.

**Сервер**

PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

**LCD Мониторлар**

SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил



**Ноутбуклар**

FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.
Кафолат — 2 йил

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS



**Шахсий компьютер FSC**

ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил



## O'ZSANOATQURILISHBANK

### «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари диққатига!

***Ҳурматли акциядорлар!***

***«Ўзсаноатқурилишбанк»и Сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2007 йил 31 август куни қабул қилинган 7/2007-сонли қарорга биноан имтиёзли акциялар бўйича йиллик 24 фоиз ҳисобидан 2007 йил 2-чораги учун 6 фоиз миқдоридаги оралиқ дивиденд тўланиши тўғрисида эълон қилади. Дивидендларни 2007 йил 30 июнь ҳолатига ёпилган акциядорлар реестрида мулкий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олишлари мумкин. Дивидендларни олишга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.***

**Банк кенгаши**

**МУҲИМ ФАКТЛАР ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА**

**Банк** — Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
**Манзил:** 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Шаҳрисабз» кўчаси, 3-уй.

**Хабарноманинг тартиб рақами:** 05, 08.

**Муҳим факт номи** — Банк мажбуриятларини бажариш муддатининг келиши.

**Банкнинг қимматли қоғоз эгалари олдидаги мажбуриятлари** — 2007 йил 2-чорак учун имтиёзли акция эгаларига оралиқ дивидендларни тўлаш.

**Қимматли қоғоз эгалари олдида банк мажбуриятларини бажариш муддатлари** — Банк кенгашининг имтиёзли акция эгаларига оралиқ дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида.

1331R/1607

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Андижон муҳандислик иқтисодиёт институти ректори Абдулазиз Сотволдиевга волидаи муҳтарамаси **КАРОМАТХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Найим Абдураҳимовга онаси **МИСАЛЛАМ аянинг** вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Зоология институти жамоаси Экологик гельминтология лабораториясининг мудири, биология фанлари номзоди Абдураҳим Кучбоевга онаси **УМСУН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъати раиси, бошқарув аъзоси **Рустам Абидович АШРАПОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.



***Ўтган асрнинг 80-йилларида Риштон туманидаги “Соҳиби Ҳидоя” деб аталган қабристонга келишга унча-мунча кишининг юраги дов бермас эди. Қамишлар, тўқайзорлар босиб ҳувиллаб ётган бу жойлар одам боласида ваҳима қўзғарди.***

***Бир куни отам эрта саҳар уйғотдилар. “Тур! Меҳмонлар келади. Бирга борасан”, дедилар. “Соҳиби Ҳидоя” қабристонига олиб борувчи йўлнинг бошида уч киши бизни кутиб турар эди. Кўринишидан бу ерлик одамларга ўхшамайди. Етиб боргач, дадам машинадан сакраб тушдилар ва меҳмонлар билан кўришдилар. Меҳмонлардан бири ўзини Абдурашид Абдураҳим ўғли деб таништирди ва шериклари жаноб Абдусамат Имомназар ўғли ҳамда жаноб Иброҳим Муҳаммадали ўғли эканлигини айтди. Меҳмонларнинг ота-боболари Фарғона водийсидан эканлиги, ҳозирда ўзлари Саудия Арабистонида яшашларини маълум қилдилар. Шундан сўнг “Соҳиби Ҳидоя” қабристони ҳудудида эски мақбара борлигини ва улар шу мақбарани зиёрат қилиш учун келганликларини айтдилар.***

# «ЯХШИЛИК ҚИЛ! ЯХШИЛИК ҚИЛ! ЯХШИЛИК ҚИЛ!»

Бирга қабристон сари юра бошладик. Дадам ва мен тўқайларни кесиб, нураб ётган эски мақбара томон йўл очдик. Етиб келгач, меҳмонлар бир пайтлар эшиклари бузилиб кетган мақбара ичига кирдилар. У ердаги қабрнинг бошига ўтиб, унинг гувалак ва тупроқларини юз-кўзларига суртиб, йиғлай бошладилар. Бу ҳолатдан дадам иккимиз ҳайрон бўлиб, қотиб қолдик. Меҳмонлардан бири қабрнинг пештоқидаги ёзувларини дастрўмоли билан артиб, ҳижжалаб ўқий бошлади. Кейинчалик бу ёзувнинг маъносини таржима қилдирдик. Унда шундай деб ёзилган эди. *“Нафасинг кирсаю чиқмаса, нафасинг чиқсаю кирмаса. Бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилганинг шудир. Яхшилик қил! Яхшилик қил! Яхшилик қил!”*

Бу ҳолатдан ҳайратланиб, бир қанча вақт ўтганини сезмай қолибмиз. Фақатгина меҳмонларни кузатаётиб, дадам узр айтиб, бу кимнинг мақбараси деб сўрадилар. Шунда меҳмонлардан бири “Бу ерда фақиқ, шайхулислом, ислом динининг устунларидан бири Соҳиби “Ҳидоя” Ҳазрат Бурҳон-уд-дин ар–Ришдоний ётибдилар”, деди.

Ушбу воқеадан кейин бу кишининг таржимаи ҳоли, насаблари, қилган ишлари хусусида жуда кўп билимли кишилардан сўраб-суриштирдик. Бироқ олис-олис ривоятлардан бошқа қимматли манбалар топа олмадик.

Фақатгина мустақилликка эришганимиздан сўнг, қадриятларимиз, дину диёнатимиз қайта тиклангач, ота-боболаримиз кимлигини ва улар қандай инсонлар бўлганликларини билишга имконият яратилганидан сўнггина бу масалага ойдинлик кирди. 1999 йил Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ушбу ташландиқ бўлиб қолган ерлар обод қилинди. Шайхулисломнинг мақбаралари қайта тикланди. Зиёратгоҳга айлантирилди. Тошлоқ кўчалар кенгайтирилди. Зиёратчилар келиши ва дам олиши учун замонавий йўллар, боғлар, дам олиш масканлари қурилди.

2000 йилнинг 16 ноябрида Марғилон ва Риштон шаҳарларида бу улуғ зот таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Юртбошимиз нутқ сўзлаб, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг шарқ оламидаги юксак обрўси ҳақида: *“Ўз ҳаётини дину диёнат поклиги, иймон-эътиқод устуворлиги, илм ва адолат тантанаси йўлида сафарбар этган бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида “Бурҳонуддин ва милла”, яъни “Дин ва миллатнинг ҳужжати” деган юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди”*, деган ажойиб фикрларни айтдилар.

Бурҳониддин ар-Ришдоний ал-Марғинонийдан бир қанча умрбоқий асарлар мерос бўлиб қолган. “Ал-Ҳидоя филфуруъ”, “Бидоят ал-мубтадий” (“Бошловчилар учун дастлабки таълим”), “Кифоят ал-мунтақий” (“Якунловчилар учун тугал таълим”), “Нашр ул-мазҳаб” (“Мазҳабнинг ёйилиши”), “Китоб ут-тажнис” (“Мувофиқлаштириш китоби”), “Китоб ул-мазид” (“Илмни зиёда қилувчи китоб”), “Маносиҳ ул-Ҳаж” (“Ҳаж маросимлари”), “Мажма ул-навозил” (“Нозил нарсалар тўплами”), “Китобул-фароиз” (“Фарзлар китоби”) шулар жумласидандир.

Булардан энг машҳури “Ҳидоя” асаридир. “Ҳидоя”нинг биринчи қисми Риштонда, кейинчалик Марғилонда ва якуний қисми Самарқандда ҳижрий 573 йилда, милодий 1178 йилда ёзиб тугатилган.

Эллик етти китобни ўз ичига олган “Ҳидоя” асарини ёзиш давомида бу заҳматкаш аллома бирор марта ҳам “мен” деган сўзни ишлатмаган, балки “Бу заиф банда айтади”, дея камтарона изоҳ бериб ўтган.

Юртбошимиз, аллома асарлари хусусида шундай дейдилар: *“Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган”*.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Ҳидоя” асари хусусида, *“Имом Абу Ханифа мазҳабида Ҳидоядан мўътабарроқ фиқҳ китоби бўлмағай”*, деб таъкидлайди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳарбий юриш бошлашдан олдин Бурҳониддин ар-Ришдонийнинг хоки пойларини зиёрат қилган экан. Соҳибқирон буюк шайхулислом туғилган юрт ҳудудига келиб, уларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром сабабли у кишининг қабрларига отдан тушиб, яёв бориб зиёрат адо этган экан. Зеро, соҳибқироннинг Соҳиби «Ҳидоя»га бўлган эҳтиромлари чексиз бўлиб, бу пири комил билан тушларида мулоқотда бўлганлар.

Бир гуруҳ таржимонлар томонидан 2000 йил таржима қилинган “Ҳидоя” асарининг ўзбек тилидаги нусхасида, *“Ул зотнинг нисбаларидаги ар-Ришдоний нисбасини ал-Марғиноний нисбасидан олдин бўлишининг сабаби, алломанинг айнан Ришдонда туғилганлигидир. Бурҳониддин Марғинонийнинг насаби кўпгина манбаларда ана шундай зикр қилинган”*, деб таъкидланади.

Бурҳониддин ар-Ришдонийнинг нисбаларидаги “Марғиноний” номининг кейинчалик машҳур бўлиб кетишига сабаб, биринчидан, ўша даврларда Марғилон бутун араб оламига маълум шаҳарлардан бири бўлган бўлса, иккинчидан, алломанинг устозлари бутун ислом оламига машҳур “Марғиноний”лар сулоласидан бўлган. Бу ҳақда “Ҳидоя”да қуйидаги маълумотлар келтирилади. *«Марғиноний” машҳур фақиқлар сулоласининг исми ва насаби сифатида танилган. Улар Фарғона водийсининг Марғинонида туғилиб яшаганликлари учун, “Марғиноний” номи билан шуҳрат қозонганлар”*, дейилади ва шу ном билан машҳур бўлган бир қатор олимларнинг номлари келтирилади.

Манбаларда алломанинг дафн этилган жойлари ва қабрлари хусусида кўплаб фикрлар қайд этилган. Хусусан, “Самария” асарининг муаллифи Абу Тоҳирхўжанинг ёзишича, ҳижрий 593 йил, зулҳижжа ойининг 14 – кунида (1197 йил 29 октябрда, сешанба куни) Самарқанд шаҳрида вафот этганлар. У кишининг хоклари Чокардиза қабристонига қўйилганлиги тўғрисида маълумот беради. Жумладан, шундай дейилади: *“Мавлоно Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг мозори... Чокардиза қабристонида, катта кўчанинг кунботарида, ҳовузга ўхшаган чуқурнинг ёнидадирким, шу катта йўл ўша ҳовуз орқали шарқий-шимолга қараб ўтади. Мавлоно Бурҳониддиннинг қабри ўша катта йўлнинг жануб тарафида, пишиқ ғиштдан қилинган баланд суфададир”*.

Бироқ, халқ оғзидан кўчиб келаётган ривоятларга кўра, Бурҳониддин ар-Ришдоний умрларининг охирларида Самарқанд ҳукмдоридан изн сўраб, ўзлари туғилиб ўсган Ришдонга қайтадилар. Истилолар даврида вайронага айланган Даҳбед қалъасини (кейинчалик мўғуллар томонидан буткул вайронага айлантирилган) қайта таъмирлаш ишларига йиғиб-терган барча бойликларини сарфлаган, улус ичида таълим-тарбия, маърифат ишлари билан машғул бўлган эканлар. Умр чироқлари ўчиб, бу фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилганларида у кишининг муборак хоклари ҳозирги Даҳбед маҳалласининг четидаги мақбарага қўйилган.

Юртбошимиз *“иқтисод жамиятнинг жисми-танаси бўлса, маънавий руҳ етуклиги унинг ақли ва жонидир”*, деб таъкидлайди. Инсон кимлигини, насабини ва тарихини билса, улуғ кишиларнинг авлоди эканлигини англаб етса, у ўзига хос маънавий ақидалар давомчиси сифатида яшайверади.

**Баҳодиржон МИРЗАОЛИМОВ,**
**педагогика фанлари номзоди.**

---

СПОРТ

***Дунё спорт жамоатчилиги келаси йили Хитой пойтахти Пекинда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.***

## Асосий учрашув олдидан

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси футболчилари ҳал қилувчи учинчи саралаш босқичи ўйинларининг дастлабкисини сафарда Жанубий корееяликларга қарши ўтказиб, (1:2) мағлубиятга учраганди.



Эртага Самарқандда Сурия Олимпиячиларига қарши ўтказиладиган учрашувга мураббий Вадим Абрамов шогирдлари пухта ҳозирлик кўришди. Таркиб борасида ҳам унчалик муаммолар йўқ. Бош мураббий кеча ўтказилган матбуот анжуманида Виталий Денисов “Днепр” (Украина), Азизбек Ҳайдаров “Қурувчи”, Азиз Ибрагимов “Слован” (Словакия), Камолиддин Мурзоев “Динамо-2” (Украина) ва бошқа етакчи футболчиларга катта ишонч билдираётганини, шогирдлари фақат ғалаба учун майдонга тушишини таъкидлади.

## Осиё “кумуш”и ўзбек шахматчисида

***Ал-Айн (Бирлашган Араб Амирликлари) шаҳрида шахмат бўйича Осиё чемпионати якунланди.***



“Ақл гимнастикаси” усталари баҳсида ёш шахматчиларимиз яхши кўрсаткичга эришди. Самарқандлик Жаҳонгир Воҳидов 12 ёшгача бўлган шахматчилар орасида 9 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, кумуш медаль совриндори бўлди. Эронлик Амир Ковзариния 7 очко билан биринчи, ҳиндистонлик Фенил Шаҳ учинчи ўриндан жой олди.

## Теннисчиларимиз ярим финалда

ASIAN CHAMPIONSHIPS UZBEKISTAN 2007

***Пойтахтимиздаги “Тошкент теннис маркази” кортларида навбатдаги Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.***

Мукофот жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур мусобақада кеча чорак финал учрашувлари бўлиб ўтди. Унда вакилларимиздан Денис Истомин жанубий кореялик Жа Сунг Анни 6/3, 6/4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Важа Узоқов эса қувайтлик тажрибали теннисчи Муҳаммад Ғарибни биринчи сетда 6/1 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи сет 2/1 бўлиб турганда Муҳаммад Ғариб ўйинни давом эттиролмаслигини маълум қилиб, мағлубиятини тан олди.

Аёллар терма жамоаси аъзоларидан ўтган йилги чемпионат ғолиби Ирода Тўлаганова ярим финалга йўлланмани қўлга киритди. У чорак финалда хитойлик Юуи-Фан Хуни 6/4, 6/3 ҳисобида доғда қолдирди. Ёш теннисчимиз Альбина Хабибулинага чорак финалда озгина тажриба етишмади. Ҳамюртимиз хитойлик Хин-Юун Хан билан кечган баҳсда (7/5, 6/1) мағлубиятга учради.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

***2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили***

## Меҳрибонлик уйи — янги бинода

***Қарши шаҳридаги 3-Меҳрибонлик уйи янги бинога кўчиб ўтди.***

Қурилишнинг тендер баҳоси 307 миллион сўм бўлган замонавий тарбия масканини «Идеал» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қисқа муддатда фойдаланишга топширдилар.

Бу ерда тарбияланувчилар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Шинам ётоқхоналар, кутубхона, спорт зали, ошхона болалар хизматида. Тиббиёт ходимлари тарбияланувчилар саломатлигини назорат қилиб туради.

— Бу ерда, асосан, мактаб ёшидаги ўғил-қизлар тарбияланади, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Хадича Каримова. — Уларнинг пухта билим олиши, маънавий ва жисмоний баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятларни ишга солаяпмиз.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Кўргазма

## Истиқлолни мадҳ этиб

Республика Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган «Энг улуғ, энг азиз» бадиий кўргазмаси намойиш этилмоқда. Айнан шундай кўргазма Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам очилди.

Тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрлари — ранг-тасвир, графика, портрет, ҳайкалтарошлик, замонавий амалий безак санъати намуналаридан иборат мазкур кўргазма қатор вилоятларда яшаб, ижод қилаётган рассомларнинг ўзига хос ижодий ҳисоботи сифатида ҳам аҳамиятлидир.

**Феруза ХУШМАТОВА.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «АХБОР-РЕЙТИНГ» БАНКЛАРАРО РЕЙТИНГ КОМПАНИЯСИ

### томонидан ўтказилган тижорат банклари фаолиятининг 2007 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича рейтинг баҳолаш натижалари

2007 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича ўтказилган рейтингда 21 та тижорат банки иштирок этди. Тижорат банклари фаолиятининг 2007 йил биринчи ярим йиллик якунлари бўйича рейтингининг ўртача кўрсаткичи 40,95 баллни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада юқоридир. (2006 йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу кўрсаткич 34,10 баллни ташкил этган). Бунга банклар фаолиятининг кўламлилик ва рентабеллик кўрсаткичларининг яхшиланиши сабаб бўлди.

Кўламлилик кўрсаткичининг ўсиши тижорат банклари жами активлари ва умумий даромадларининг ижобий динамикаси эвазига юз берди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида рейтингда иштирок этган тижорат банклари активлари 45,2 фоизга ўсди. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида активларнинг юқори ўсиш суръатлари «Алп Жамол банк» (145 фоиз), «Трастбанк» (137 фоиз), «АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ» (109 фоиз), «Ипотекабанк» (62 фоиз) ва «Ўзсаноатқурилишбанк» (52 фоиз)ларда кузатилмоқда. Жалб қилинган маблағларнинг 45,0 фоизга ўсиши банклар актив операциялари ҳажмининг кенгайишини таъминлади.

Номолиявий сектор депозитлари ва олинган ссудалар банкларнинг жалб қилинган маблағларининг асосий манбаи ҳисобланади. Уларнинг умумий ҳажми банкларнинг умумий мажбуриятларининг 80 фоизидан кўпроғини ташкил қилмоқда. Банкларнинг депозит базаси 56,1 фоизга ўсди. Депозитларнинг ўсиши асосан талаб қилиб олингунча (63,5 фоизга) ва муддатли (51,8 фоизга) депозит ҳисобварақлари қолдиқларининг ортиши эвазига юз берди. Уларнинг жами депозитлар таркибидаги улуши тегишли равишда 71,5 фоиз ва 22,1 фоизни ташкил қилди. Бошқа банклардан жалб қилинган маблағлар қолдиғи 96,6 фоизга ўсди. Депозит базасининг юқори ўсиш суръати «Трастбанк» (164 фоиз), «Алп Жамол банк» (96 фоиз), «Ўзсаноатқурилишбанк» (87 фоиз), «Ғаллабанк» (85 фоиз) ва «Пахтабанк» (66 фоиз)ларда кузатилмоқда.

Банк активларининг асосий қисмини кредит қўйилмалари ва ликвид маблағлари ташкил қилиб, уларнинг умумий ҳажми банклар активларининг 85,4 фоизини ташкил қилмоқда. Кредит қўйилмалари (соф қолдиқ) таҳлил қилинаётган давр мобайнида 35,4 фоизга ўсди. Ўтган давр мобайнида банкларнинг лизинг фаолияти жадаллашиб, уларнинг лизинг портфели 52,1 фоизга ўсди. Банкларнинг ликвид маблағлари (нақд пул қолдиғи, Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар қолдиғи) 58,5 фоизга ўсди. Натижада тижорат банклари ликвид маблағларининг жами активлардаги улуши 33,9 фоизга ошди.

2007 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида банкларнинг умумий даромади 29,2 фоизга ортди. Умумий даромадларнинг 52,6 фоизини фоизли даромадлар ташкил қилмоқда. Фоизли даромадлар таҳлил қилинаётган давр мобайнида 36,6 фоизга ўсди. Ссуда ва лизинг операцияларидан олинган даромадлар (71 фоиз) ва бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича даромадлар (8 фоиз) фоизли даромадларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган даврда фоизсиз даромадлар 21,9 фоизга ўсди.

Банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлган акциядорлик капитали асосан тақсимланмаган фойда (56,1 фоиз) ва устав капитали (43,9 фоиз) ҳисобига шаклланмоқда. Тижорат банкларининг акциядорлик капитали таҳлил қилинаётган давр ичида 20 фоизга ўсди. Банкларнинг капиталлашув даражаси барқарорлиги таъминланмоқда. Капиталнинг етарлилик коэффициенти (жами капиталнинг активга нисбати, хатарни ҳисобга олган ҳолда) 2007 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича 23,2 фоизни ташкил қилди, бу эса меъёрий кўрсаткичдан (10 фоиз) сезиларли даражада юқоридир. Ўз устав капиталини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг минимал талабларига биноан шакллантирган банклар ўртасида капитал етарлилиги бўйича юқори кўрсаткичлар «ЎТ-банк» (52,9 фоиз), «ЎзКДБ банк» (39,2 фоиз), «Микрокредитбанк» (23,4 фоиз) ва «Ғаллабанк» (21,2 фоиз)ларда кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПП-670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши тижорат банкларининг капиталлашув даражасининг янада ошишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Банкларнинг умумий активлари ва акциядорлик капиталининг юқори суръатларда ўсишига қарамасдан, банклар фаолиятининг рентабеллик кўрсаткичлари ижобий динамикаси кузатилмоқда. Банкларнинг жами соф фойдаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 91,3 фоизга ўсди. 2007 йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича банклар устав капитали рентабеллигининг ўртача қиймати 63,1 фоизни, умумий капитал рентабеллиги 22,4 фоизни, жами активлар рентабеллиги 4 фоизни ташкил қилди.

**Йирик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари**

| Банклар номи | Якуний рейтинг бали |
|---|---|
| «Ўзсаноатқурилишбанк» | 80,61 |
| «Пахтабанк» | 76,88 |
| «Ипотекабанк» | 70,14 |
| «Ғаллабанк» | 57,12 |
| «Капиталбанк» | 51,52 |
| «Ипак йўли» банки | 50,12 |
| АБН АМРО БАНК МБ Ўзбекистон АЖ | 12,24 |

**Ўрта тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари**

| Банклар номи | Якуний рейтинг бали |
|---|---|
| «Трастбанк» | 61,15 |
| «Алп Жамол банк» | 58,64 |
| «Парвинабанк» | 55,30 |
| «ЎзКДБ банк» | 43,06 |
| «ЎТ-банк» | 27,21 |
| «Ўктамбанк» | 10,44 |

**Кичик тижорат банклари фаолиятининг рейтинг баҳолари**

| Банклар номи | Якуний рейтинг бали |
|---|---|
| «Даврбанк» | 63,86 |
| «Универсалбанк» | 19,26 |
| «Туркистонбанк» | 12,07 |
| «Самарқандбанк» | 1,41 |

1314R/1612

---

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

**Тошкент солиқ коллежи директори лавозимига**

*танлов эълон қилади.*

**Танлов талаблари:**

— *олий педагогик, иқтисодий маълумотга эга бўлиши;*
— *педагогика соҳасида катта амалий иш тажрибасига эга бўлиши;*
— *талабгорнинг ёши 45 дан ошмаган бўлиши;*
— *талабгор илмий даража (илмий унвон)га эга бўлиши;*
— *Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.*

Танловда иштирок этиш истагини билдирганлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни (резюме) 144-98-56 факси орқали жўнатишлари мумкин.
Маълумот учун телефонлар:
144-97-74, 144-98-47, 144-98-26.

1334R/1606

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

*Муҳтарам газетхон!*
*Газетамизнинг шу сонидаги қўш саҳифа газетхонлар учун бепул илова қилинмоқда.*

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 23.20 1 456